

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 5-ҳадис

5 - عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: «كُنْتُ حَلْفَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمًا فَقَالَ: «يَا عَلَّامُ إِنِّي أَعْلَمُكَ كَلِمَاتٍ: «احْفَظِ اللَّهَ يَحْفَظَكَ احْفَظِ اللَّهَ تَجِدْهُ تُجَاهَكَ، إِذَا سَأَلْتَ فَاسْأَلِ اللَّهَ، وَإِذَا اسْتَعْنَيْتَ فَاسْتَعِنْ بِاللَّهِ، وَاعْلَمْ: أَنَّ الْأُمَّةَ لَوِ اجْتَمَعَتْ عَلَى أَنْ يَنْفَعُوكَ بِشَيْءٍ، لَمْ يَنْفَعُوكَ إِلَّا بِشَيْءٍ قَدْ كَتَبَهُ اللَّهُ لَكَ، وَإِنْ اجْتَمَعُوا عَلَى أَنْ يَضُرُّوكَ بِشَيْءٍ، لَمْ يَضُرُّوكَ إِلَّا بِشَيْءٍ قَدْ كَتَبَهُ اللَّهُ عَلَيْكَ، رُفِعَتِ الْأَقْلَامُ، وَجَفَّتِ الصُّحُفُ».

رواه الترمذي وقال: حديث حسن صحيح.

وفي رواية غير الترمذي: «احْفَظِ اللَّهَ تَجِدْهُ أَمَامَكَ، تَعَرَّفْ إِلَى اللَّهِ فِي الرَّحَاءِ يَعْرِفَكَ فِي الشِّدَّةِ، وَاعْلَمْ أَنَّ مَا أَخْطَأَكَ لَمْ يَكُنْ لِيُصِيبِكَ، وَمَا أَصَابَكَ لَمْ يَكُنْ لِيُحْطِطِكَ وَاعْلَمْ أَنَّ النَّصْرَ مَعَ الصَّبْرِ، وَأَنَّ الْفَرْجَ مَعَ الْكَرْبِ، وَأَنَّ مَعَ الْعُسْرِ يُسْرًا».

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Бир куни Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг орқаларида (мингашиб) кетаётган эдим. У зот: «Эй бола, сенга бир калималарни ўргатайми? Аллоҳга риоя қил, сени сақлайди. Аллоҳга риоя қил, Уни рўпарангдан топасан. Агар сўрасанг, Аллоҳдан сўрагин. Агар ёрдам тиласанг ҳам, Аллоҳдан тилагин. Билгинки, агар уммат бирор нарсада сенга ёрдам беришга жамланишса, фақатгина Аллоҳ сенга (тақдир) қилиб ёзиб қўйган нарсанигина ёрдам бера олишади, холос. Агар уммат бирор нарсада сенга зарар беришга жамланишса, фақатгина Аллоҳ сенга (тақдир) қилиб ёзиб қўйган нарсанигина зарар бера олишади, холос. Қаламлар кўтарилиб, саҳифалар қуриб бўлган», деб айтдилар».

Имом Термизий ривоят қилиб, у ҳасан ва саҳиҳдир, дедилар.

Термизий бошқасида қилинган ривоятда қуйидагича келтирилган:

**«Аллоҳга риоя қил, Уни олдинда топасан. Аллоҳни кенгчиликда танигин, сени қийинчиликда танийди. Сен то ўзингни четлаб ўтган нарса сенга етиши мумкин эмаслигини, ўзингга етган нарса сени четлаб ўтиши мумкин эмаслигини билгин. Билгинки, албатта нусрат сабр билан бирга бўлади. Кушойиш азиятлар билан бирга бўлади. Ва энгиллик қийинчилик билан бирга бўлади».**

**Шарҳ:** Кўпинча ҳадисларда "Набий алайҳиссаломга мингашиб олган", деган сўзни ўқиб қоламиз. Бу нарса Пайғамбар алайҳиссаломни диндош биродарларига қай даражада мушфиқ эканларини кўрсатади. Уларнинг орасида катта ёшлилар ва болалар ҳам бўлар эди. Бу ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Абдуллоҳ ибн Аббосга ақида асосларини таълим бермоқдалар. Яъни, булар- Аллоҳнинг амри ва белгилаган ҳалол ва ҳаром чегараларини муҳофаза қилиш, уни муҳофаза қилишда ёрдамчи бўлиш, муҳтож бўлганида фақат Аллоҳдан сўраш, У Зот барча ишларнинг эгаси ҳамда сабабларни энгиллаштирувчи экани, воқеъ бўлувчи ҳар нарса Аллоҳнинг қудрати билан бўлиши, бирор киши бошқа бировнинг умри ва ризқидан маҳрум қила олмаслиги, инсонга ҳаётида рўй берадиган ҳодисалар хос саҳифаларда битиб қўйилгани, ўша битилган нарса яқин фурсатда ёки кейинроқ рўй беришига ишонмоғидир.

### Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Фойда ҳам, зарар ҳам Аллоҳнинг измида эканини мусулмон одам билади.
2. Халойиқнинг барчаси Аллоҳга муҳтож эканини мусулмон одам билади.
3. Мусулмон киши Аллоҳни улуғлайди, Унга сўзсиз итоат қилади. Нимаики етса, Аллоҳнинг изни билан етишини билади.
4. Агар бутун дунё аҳолиси бир инсонга зарар беришга тўпланишса, Аллоҳ тақдирга ёзган нарсанигина зарар беради холос.
5. Мусулмон киши аторофида рўй бераётган нарсалардан саросимага тушмайди. Чунки, барча нарса тақдирга битилгандир.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



